

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 26 декабрь, № 275-276 (8618-8619) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА РЕЖАЛАР ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 декабрь куни ҳудудларда электротехника, кимё ва фармацевтика тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Саноатдаги таркибий ўзгаришлар ва шароитлар натижасида сўнгги беш йилда ушбу учта тармоқда ишлаб чиқариш 2,6 баробар ошган, уларнинг саноатдаги улуши 7 фоизга етган. Шунингдек, 231 турдаги янги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, экспорт 1,6 миллиард долларни ташкил этган.

Жорий йилнинг ўзида электротехникада 163 миллион долларлик 39 та, кимё саноатида 70 миллион долларлик 17 та ва фармацевтикада 87 миллион долларлик 57 та корхона ишга тушди.

Шу билан бирга, бу тармоқларда фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кўп. Ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш электротехникада 50 фоизга, кимё саноатида 40 фоизга, фармацевтикада 18 фоизга ҳам етмайди.

Ҳудудларда ташкил қилинган зоналардан ҳамда саноат кооперацияси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. 116 та корхонага олиб келинган 85 миллион долларлик саноат ускунаси ишга тушмасдан турибди. 727 та корхона тўлиқ қувватда ишламаяпти.

Йиғилишда шу каби камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, долзарб вазифалар белгиланди.

— Ҳокимликлар саноат тармоқлари билан узвий боғлиқликда ишлаб, ҳудудларда иқтисодиётни диверсификация қилиши, лойиҳаларни кўпайтириши зарур. Шундагина жойларда иқтисодий ўсиш, иш ўрни, бюджетга тушум бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йилда мазкур 3 тармоқда 12 миллиард 700 миллион долларлик 24 та йирик лойиҳа бошланиши қайд этилди. "Навоийазот"да поливинилхлорид ва Қўнғиротда кальцийланган сода қувватларини кенгайтириш, Қоракўлда метанолдан олефин олиш, Самарқандда маиший техника ва автомобиллар учун металл листлар ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларга керак бўладиган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб беришга маҳаллий корхоналарни жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, тармоқ ва ҳудудлар биргаликда ишлаб, электротехникада 2,1 миллиард долларлик 190 та, кимё саноатида 3,8 миллиард долларлик 139 та, фармацевтикада 1,5 миллиард долларлик 110 та ўрта ва кичик лойиҳаларни шакллантирган. Йиғилишда Президент уларнинг қуввати, яратилажак маҳсулотлар тури ва иш ўрнига эътибор қаратиб, лойиҳаларни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддиларнинг лойиҳалар ижроси, ҳудудлар ва тармоқларнинг ўзаро боғланган иш тизими юзасидан ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрига келди.

"Пулково" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ленинград вилояти ва Санкт-Петербург раҳбарияти кутиб олди.

Мамлакатимиз етакчиси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этади.

Бўлажак тадбир доирасида Ҳамдўстлик мамлакатлари етакчилари йилнинг асосий якунларини сарҳисоб қиладилар ҳамда МДҲ маконида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқадилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон — МДҲ:

## ДУНЁ ТИНЧЛИГИ ВА ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун 25-26 декабрь кунлари амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлади.

Ўзбекистон МДҲ доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация тармоқлари, илмий-техник, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, спорт, маданият ва туризм соҳаларида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келмоқда.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасидаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди ҳамда бугунги кунда МДҲнинг деярли барча устав органида иштирок этаётир.

Ўзбекистон Президентининг МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларидаги иштироки якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ва мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқёсда амалга оширилишини таъминлаш юзасидан "йўл хариталари" қабул қилинди. Хусусан, "йўл хариталари"ни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон 24 та соҳавий ҳамкорлик органига қўшилди. Натижада МДҲнинг 86 та органидан 65 та тармоқ тузилмаси фаолиятида қатнашмоқда. Уларнинг мақсадли вазифалари миллий манфаатларга жавоб беради ва Ўзбекистон томонининг қизиқишини тасдиқлайди.

2020 йилда Ўзбекистон МДҲга раислик қилди. Шу вақт давомида COVID-19 пандемияси чекловларига қарамай 50 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТ ва МДҲ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги резолюцияси ташаббуси илгари сурилиб, ушбу ҳужжатнинг бир овоздан қабул қилиниши таъминланди.

2021 йилда Ўзбекистон МДҲ тармоқ органлари фаолияти доирасида техник регламентларни уйғунлаштириш, келишилган тариф сиёсатини амалга ошириш ва МДҲ иштирокчи давлатлари ўртасида ўзаро преференциялар бериш орқали авиаташувни деярли тўлиқ тиклашга, шунингдек, транспорт йўлакларининг рақобатдошлигини оширишга муваффақ бўлди.

2022 йилда Ўзбекистонда илк бор Ҳамдўстлик Ижодий ва илмий зиёлилари форуми ҳамда МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг сессияси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлардан 700 дан ортиқ илмий ва ижодкор зиёлилар вакиллари, депутатлар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар қатнашди.

→ 6

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 15 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини оширишга ва мақсадлилигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда давлат бошқаруви тизимида амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш орқали бюджет интизомига амал қилинишига, бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли, самарали ва аниқ йўналтирилган ҳолда сарфланишига эришилади.

Шу билан бирга ушбу Қонунда давлат органларининг соҳага хос бўлмаган вазифалари қисқартирилиши ва уларнинг фаолиятига рақамли технологиялар кенг жорий қилиниши натижасида мақбуллаштирилаётган штат бирликлари ҳисобидан бўшайдиган маблағларнинг ижтимоий долзарб харажатлар учун қайта тақсимланиши назарда тутилмоқда.

**(Давоми 2, 3, 4-бетларда).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 21 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан фақат 2024 молия йили давомида фойдаланилади ва улар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

**(Давоми 5-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 173-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигини кенг нишонлаш, мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ва тегишли фан ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзоларининг тавсиясига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқлансин:

### Физика-математика фанлари бўйича

**Ахмедов Бабомурот Жураевич** — Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти лаборатория мудири

**Абдуллаев Фатхулла Хабибуллаевич** — Фанлар академияси Физика-техника институти бош илмий ходими

**Розиков Уткир Абдуллоевич** — Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти директори ўринбосари

### Кимё фанлари бўйича

**Туляганов Дилшат Убайдуллаевич** — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети кафедра мудири

**Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович** — Фанлар академияси С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти директори

**Турабджанов Садритдин Махаматдинович** — Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович** — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори

### Биология фанлари бўйича

**Давранов Кахрамон** — Фанлар академияси Микробиология институти директори

### Техника фанлари бўйича

**Садиков Илхам Исмаилович** — Фанлар академияси Ядро физикаси институти директори

### Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича

**Намазов Шадман Эргашович** — Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадкиқот институти директори ўринбосари

**(Давоми 5-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ОЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, фан-техника тараққиётини янги босқичга кўтариш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, нуфузли хорижий муассасалар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бой маънавий меросимизни халқаро миқёсда тарғиб этиш, илғор инновацион лойиҳаларни амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси, юксак билимли ва малакали илмий ходимларни тайёрлаш, ёшларимизни буюк алломаларимизга муносиб авлод этиб тарбиялаш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

### «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони билан

**Тураев Аббасхан Сабирханович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти директори, академик

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Юсупова Дилорам Юнусовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, академик

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Намазов Шафаат Саттарович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири, академик

**(Давоми 4-бетда).**

## САМАРҚАНДДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

*Шу йилнинг 25 — 30 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида шахматнинг блиц ва рапид йўналишлари бўйича VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.*

**Спорт**

Унда 52 та мамлакатдан 338 (шундан 33 нафари ўзбекистонлик) спортчи 6 та медаль учун баҳс олиб боради. Мусобақанинг умумий соврин жамғармаси 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Жаҳон чемпионатининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири Адҳам Икромов, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Аркадий Дворкович, Ёшлар ишлари агентлиги директори, Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси Алишер Саъдуллаев, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этди.

Дунё биринчилигида жаҳон рейтингининг юқори ўринларида турган гроссмейстерлар Магнус Карлсен, Даниил Дубов, Нодирбек Абдусатторов, Гукеш Доммаражу, Винсент Каймер, Шаҳриёр Мамадиёров, Ян-Кшиштоф Дуда, Юй Янъи, Максим Вашье-Лаграв, Левон Аронян қатнашмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Олий Мажлис Сенатида**

## «РАҲБАР ВА ЁШЛАР» МАВЗУИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатида Ёшлар форуми доирасида Сенат Раиси билан "Раҳбар ва ёшлар" мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди.*

Унда сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, ёш депутатлар, турли соҳалардаги ташаббускор, фаол ва иқтидорли йигит-қизлар, давлат мукофоти совриндорлари ва стипендиатлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Мазкур тадбир орқали онлайн ва оффлайн тарзида мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Мулоқот давомида Сенат Раиси Т. Норбоева ёшларга оид давлат сиёсати бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган амалий ишлар, ислоҳотлар, йигит-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, устувор вазифалар ҳамда қонунчиликдаги янгиликларга тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, сўнгги олти йил мобайнида ёшлар сиёсатига доир 106 та қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада мустаҳкамланди ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди.

Ушбу ислоҳотлар янги Ўзбекистонда ёшлар масаласи том маънода давлат сиёсатига айланганидан далолат бериши айтиб ўтилди.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар 19 миллиондан зиёдроқ бўлиб, жами аҳолининг 60 фоизга яқинини ташкил қилади. Бу каби кўрсаткич ҳар қандай ривожланган ва ривожланаётган давлат учун беқиёс бойлик манбаи ҳисобланади.

Президент ташаббуси билан барча йўналиш, жумладан, таълим, тадбиркорлик, ижтимоий кўмак ва бошқа соҳаларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи янги даражага олиб чиқилгани эътироф этилди.

Жумладан, олий таълим қамрови сўнгги олти йилда 4 баробарга (9 фоиздан 38 фоизга) ошди. 151 минг талабага 1,7 трлн. сўмлик имтиёзли таълим кредитлари берилди.

→ 6

**Қонунчилик палатаси фракцияларида**

## МАСЪУЛЛИК, ФАОЛЛИК ВА МУҲИМ ЁНДАШУВ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқи мазмун-моҳияти, фракциялар олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор муҳим қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.*

### Микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда

**Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларни қайтариш қобилиятини яхшилашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида ушбу ҳужжат билан жисмоний



шахс бўлган қарз олувчига ажратиладиган микроқарз миқдорини эллик миллион сўмдан юз миллион сўмга ошириш таклиф қилинаётгани қайд этилди.

→ 6

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрда қабул қилинган **«2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»**ги ЎРҚ–813-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 12, 1191-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 3,0 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилансин»;

2) **11-моддадаги** «3» рақами «5,5» рақами билан алмаштирилсин;

3) **3-илованинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2023 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда уларнинг харажатлари**

*млн сўм*

| Т/р | Кўрсаткичлар | Сумма |
|---|---|---|
| **I.** | **ЖАМИ – давлат мақсадли жамғармалари** | |
| | Йил бошига қолдиқ | 10 444 972,3 |
| | Даромадлар прогнози | 47 143 380,7 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар* | 31 077 090,8 |
| | Харажатлар | 76 128 959,6 |
| | Давлат бюджетига трансфертлар | 500 000,0 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 12 036 484,2 |
| **1.** | **«Эл-юрт умиди» жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **25 799,9** |
| | **Даромадлар прогнози** | **18 120,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **200 000,0** |
| | **Харажатлар** | **202 264,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жамғарма стипендиатларини хориждаги нуфузли таълим муассасаларида таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш | 190 552,4 |
| | Хорижий олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш | 3 300,0 |
| | Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 6 720,0 |
| | Бошқа харажатлар | 1 692,4 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **41 655,1** |
| **2.** | **Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **0,3** |
| | **Даромадлар прогнози** | |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **649 466,0** |
| | **Харажатлар** | **649 466,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш | 649 466,3 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **3.** | **Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **3 023 591,8** |
| | **Даромадлар прогнози** | **39 784 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ижтимоий солиқ тушумлари | 38 746 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 1 038 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **13 950 000,0** |
| | **Харажатлар** | **53 573 750,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари учун тўловларни тўлаш, шунингдек пенсия ва нафақаларни етказиб бериш бўйича харажатлар | 53 570 750,0 |
| | Бошқа харажатлар | 3 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **3 183 841,8** |
| **4.** | **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **7 116,5** |
| | **Даромадлар прогнози** | **212 757,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ижтимоий солиқ тушумлари | 102 655,0 |
| | Бошқа даромадлар | 110 102,5 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар*** | **317 300,0** |
| | **Харажатлар** | **537 174,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахслар сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш | 289 074,0 |
| | Ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш | 18 700,0 |
| | Ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш | 120 000,0 |
| | Бандликка кўмаклашиш марказлари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказлари, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказларининг айрим бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш | 62 400,0 |
| | Ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, вакансиялар ҳамда банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш соҳасида ахборот-компьютер тизимлари ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ва техник қўллаб-қувватлаш, шу жумладан дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва техник воситаларни харид қилиш | 7 371,0 |
| | Субсидиялар тўлаш | 17 000,0 |
| | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар | 9 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 13 629,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **5.** | **Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **178 028,2** |
| | **Даромадлар прогнози** | **78 334,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Лицензия битими доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юборувчи ташкилотларнинг маблағларини захиралаш ҳисобидан тушумлар | 10 000,0 |
| | Рухсатнома (иш берувчига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) ва тасдиқнома (чет эл фуқаросига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) берилганлиги учун йиғимлардан тушум | 35 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 33 334,3 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **93 980,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш | 7 000,0 |
| | Меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳат олиши туфайли тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш | 1 000,0 |
| | Меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш | 5 000,0 |
| | Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича суғурта суммасининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига бир йўла бериладиган субсидиялар бериш | 10 000,0 |
| | Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларни кетиш олдидан мослаштириш, касбга тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини республика ҳудудларида ташкил этиш ва жиҳозлаш | 10 607,4 |
| | Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш | 30 000,0 |
| | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар | 12 000,0 |
| | Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 1 300,0 |
| | Бошқа харажатлар | 17 073,3 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **162 381,8** |
| **6.** | **Жамоат ишлари жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **91 475,1** |
| | **Даромадлар прогнози** | **6 463,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар ижарасидан тушумлар | 4 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 2 463,6 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **121 000,0** |
| | **Харажатлар** | **208 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақини тўлаш | 176 200,0 |
| | Жамоат ишларида, шу жумладан ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилиш | 10 000,0 |
| | Жамоат ишларини бажариш учун махсус кийимлар ва хавфсизлик техникаси воситаларини харид қилиш | 4 000,0 |
| | Жамоат ишларини амалга оширишни ташкил этиш масалалари бўйича ахборот материалларини, кўргазмали ахборотларни тайёрлаш, маълумотларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш | 200,0 |
| | Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 2 500,0 |
| | Бошқа харажатлар | 15 100,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **10 938,7** |
| **7.** | **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **35 354,0** |
| | **Даромадлар прогнози** | **871 960,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Тижорат банклари ва тадбиркорларга ажратилган ресурслар бўйича олинадиган фоизлар | 46 960,0 |
| | Давлат бюджетидан ссудалар | 400 000,0 |
| | Олдинги йилларда ажратилган ресурсларнинг қайтиши | 424 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 1 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **170 000,0** |
| | **Харажатлар** | **1 030 480,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар бериш | 114 803,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 59 197,0 |
| | Ресурс маблағларини ажратиш учун харажатлар | 400 000,0 |
| | Давлат бюджетидан олинган ссуда ва жалб қилинган қарз маблағларини қайтариш учун харажатлар | 424 000,0 |
| | Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича тўланадиган фоиз харажатлари | 32 480,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **46 834,0** |
| **8.** | **Виночиликни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **281 688,8** |
| | **Даромадлар прогнози** | **68 637,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган қарзлар ҳамда тижорат банкларига кредит ажратиш учун берилган ресурслар бўйича ҳисобланган фоизлардан тушумлар | 20 161,7 |
| | Бошқа даромадлар | 48 475,4 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **246 778,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар бериш | 30 000,0 |
| | Агентлик ва унинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 23 000,0 |
| | Давлат бюджетига ўтказиладиган маблағлар | 100 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 93 778,9 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 103 547,0 |
| **9.** | **Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **54 318,6** |
| | **Даромадлар прогнози** | |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **45 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш | 35 000,0 |
| | Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш | 5 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 5 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **9 318,6** |
| **10.** | **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **362,3** |
| | **Даромадлар прогнози** | **550,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари | 550,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **550,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, техник реабилитация воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш | 550,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **362,3** |
| **11.** | **Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **6 668,0** |
| | **Даромадлар прогнози** | **1 000,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни утилизация қилишдан тушган тушумлар | 1 000,8 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **16 594,6** |
| | **Харажатлар** | **24 263,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дарсликлар харид қилиш | 22 359,8 |
| | Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг сақлаш харажатлари | 1 903,6 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **12.** | **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** | |
| | Йил бошига қолдиқ | 340 590,3 |
| | Даромадлар прогнози | 374 383,8 |
| | *шу жумладан:* | |
| | Халқаро молия институтлари ва бошқа донорларнинг Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари | 282 418,6 |
| | Кафилликлар беришдан тушадиган даромадлар | 4 585,5 |
| | Бошқа даромадлар | 87 379,8 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **932 000,0** |
| | **Харажатлар** | **1 077 032,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафилликлар билан боғлиқ тўловларни тўлаш | 26 000,0 |
| | Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун компенсация бериш | 1 014 495,3 |
| | Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 26 337,5 |
| | Бошқа харажатлар | 10 200,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **569 941,3** |
| **13.** | **Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **197 057,1** |
| | **Даромадлар прогнози** | **1 140 611,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушумлар | 949 171,2 |
| | Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун давлат божидан тушумлар | 103 582,8 |
| | Бошқа даромадлар | 87 857,3 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **1 156 761,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш, электрон ҳукумат ҳамда рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда кузатиб бориш | 192 470,7 |
| | Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, унинг ўқитувчилари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш учун харажатлар | 11 278,3 |
| | Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига ажратмалар | 6 104,7 |
| | Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар | 14 809,0 |
| | Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича инспекция фаолиятини молиялаштириш | 56 908,9 |
| | «Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази» ДУК фаолиятини молиялаштириш | 13 111,1 |
| | «Киберхавфсизлик маркази» ДУК фаолиятини молиялаштириш | 52 571,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва таркибидаги ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 550 957,1 |
| | Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар | 90 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 168 551,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **180 906,6** |
| **14.** | **Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **35 592,7** |
| | **Даромадлар прогнози** | **105 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар | 93 122,9 |
| | Бошқа даромадлар | 11 877,1 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **15 000,0** |
| | **Харажатлар** | **143 250,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш | 45 000,0 |
| | «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш | 5 000,0 |
| | Хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун харажатлар | 50 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва таркибидаги ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 37 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 6 250,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **12 342,7** |
| **15.** | **Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **799 110,6** |
| | **Даромадлар прогнози** | **530 694,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган мукофот пули | 32 558,3 |
| | Вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан тушумлар | 72 510,8 |
| | Халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни депозитга жойлаштириш, кредит линиялари очиш ва бюджет ссудаларини ажратишдан фоиз тарзида тўланадиган даромадлардан олинган фойда солиғи миқдорида республика бюджетидан ажратма | 52 246,7 |
| | Халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан жалб қилинган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар | 200 871,4 |
| | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи миқдорида ажратма | 150 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 22 506,7 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **147 665,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шарти билан қарзни тўлаш | 135 278,3 |
| | Бошқа харажатлар | 12 387,5 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **1 182 138,8** |
| **16.** | **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **111 769,1** |
| | **Даромадлар прогнози** | **107 660,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Тижорат банкларига имтиёзли асосда кредитлар ажратиш учун берилган ресурсларнинг қайтиши ва ҳисобланган фоизлар бўйича даромадлар | 100 150,5 |
| | Бошқа даромадлар | 7 510,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **50 000,0** |
| | **Харажатлар** | **146 500,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан кам таъминланган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш | 45 000,0 |
| | Ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашиш | 2 000,0 |
| | Хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларига ва тадбиркорлик субъектларига грант маблағларини ажратиш | 50 000,0 |
| | Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси делегациясининг халқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларини қоплашга кўмаклашиш | 7 000,0 |
| | Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, унинг ҳудудий бўлинмаларини (филиалларини) сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларда ташкил этилган ўқув курсларининг мутахассисларига соатбай ҳақ тўлаш | 11 000,0 |
| | Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш | 15 000,0 |
| | Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 7 500,0 |
| | Бошқа харажатлар | 9 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **122 929,6** |
| **17.** | **Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **2 986 993,7** |
| | **Даромадлар прогнози** | **3 332 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат активларини (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни) реализация қилишдан тушган маблағлар | 2 806 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 526 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **2 832 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан бир йўла тўловлар | 2 535 000,0 |
| | Жамғарма тасарруфида қоладиган маблағлар | 162 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 135 000,0 |
| | **Давлат бюджетига трансфертлар** | **500 000,0** |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **2 986 993,7** |
| **18.** | **Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **3 453,4** |
| | **Даромадлар прогнози** | **1 600,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Табиий сув ҳавзаларини балиқчилик хўжаликларига ижарага беришдан тушган маблағлар | 900,0 |
| | Бошқа даромадлар | 700,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **1 729,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси фаолиятининг жорий харажатларини молиялаштириш, унинг ходимларига иш ҳақини тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш | 1 229,1 |
| | Бошқа харажатлар | 500,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **3 324,3** |
| **19.** | **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **141 659,9** |
| | **Даромадлар прогнози** | **3 640,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар*** | **3 196 426,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | *Маҳаллий бюджетлардан* | *2 502 391,9* |
| | *Республика бюджетидан* | *694 034,3* |
| | **Харажатлар** | **3 301 426,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш | 3 267 751,9 |
| | Жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 33 674,3 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **40 299,9** |
| **20.** | **Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **1 328 893,3** |
| | **Даромадлар прогнози** | **100 000,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **1 650 000,0** |
| | **Харажатлар**** | **150 000,0** |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **2 928 893,3** |

(Давоми 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

| | | |
|---|---|---|
| **21.** | **Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **500 851,1** |
| | **Даромадлар прогнози** | **22 000,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар*** | **5 728 595,2** |
| | **Харажатлар** | **6 251 446,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш | 3 400 842,7 |
| | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, сақлаш ҳамда уларда кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар | 2 465 311,6 |
| | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш | 294 800,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва унинг бош бошқармалари, шунингдек Қўмита тузилмасидаги ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 90 492,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **22.** | **Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **161 519,0** |
| | **Даромадлар прогнози** | **74 371,4** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар*** | **2 615 708,8** |
| | **Харажатлар** | **2 851 599,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш | 2 851 599,2 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **23.** | **Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **86 739,7** |
| | **Даромадлар прогнози** | **62 095,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **670 000,0** |
| | **Харажатлар** | **770 000,0** |
| | Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун харажатлар | 522 850,0 |
| | Янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва қўшимча жиҳозлаш учун харажатлар | 72 000,0 |
| | Инновацион фаолият субъектларидаги объектларни қуриш ва жиҳозлаш учун харажатлар | 50 730,0 |
| | Ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун харажатлар | 16 000,0 |
| | Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатлари | 9 245,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар | 99 175,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **48 834,7** |
| **24.** | **Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **46 338,7** |
| | **Даромадлар прогнози** | **116 501,5** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **195 000,0** |
| | **Харажатлар** | **357 840,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар тўлаш | 350 082,5 |
| | Бошқа харажатлар | 7 757,7 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **25.** | **Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | |
| | **Даромадлар прогнози** | |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **100 000,0** |
| | **Харажатлар** | **100 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар тўлаш | 50 000,0 |
| | Ссуда ажратиш | 50 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **26.** | **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | |
| | **Даромадлар прогнози** | **131 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат бюджетига тушадиган тушумлардан ажратмалар | 130 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 1 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **500 000,0** |
| | **Харажатлар** | **230 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ижтимоий харажатлар | 210 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 20 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **401 000,0** |
| **II.** | **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** | |
| | Даромадлар прогнози | 10 109 060,0 |
| | Харажатлар | 39 007 260,0 |

* Давлат бюджетидан трансфертлари таркибида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида назарда тутилган давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар ва қайта тақсимланадиган маблағлар, шунингдек маҳаллий бюджетлардан ажратилган трансфертлар инобатга олинган;

** Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида имзоланган депозит шартномасига мувофиқ таълим кредити учун ажратилган маблағлар келгусида ушбу Жамғармага қайтиши сабабли харажатларда акс эттирилмайди»;

4) **5-иловaнинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари**

*млн сўм*

| Т/р | Кўрсаткичлар | Сумма |
|---|---|---|
| | **Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами** | **228 262 476,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар 142 663 976,6 | |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 29 265 654,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 7 913 469,4 |
| | давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар | 26 787 563,3 |
| | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар | 24 280 823,7 |
| | қайта тақсимланадиган маблағлар | 26 616 643,2 |
| **1.** | **Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** | **40 447 645,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 40 074 133,5 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 3 448 818,8 |
| | халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 123 600,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун харажатлар | 62 079,0 |
| | умумтаълим мактабларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун харажатлар | 49 767,0 |
| | мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш учун харажатлар | 220 000,0 |
| | Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантириш | 17 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 50 000,0 |
| | Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 97 000,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар | 2 769 372,8 |
| | болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш учун харажатлар | 60 000,0 |
Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини, вилоятларнинг вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этиш чоғида юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдорлари ошган тақдирда, тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилмайди.

### 9-модда. 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси якунлари бўйича даромадлари прогнози бажарилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан кам миқдордаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни камайтириш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

### 10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинадиган давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгилаш

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,0 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 2,5 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 25,0 трлн сўм миқдорида белгилансин.

### 11-модда. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдорини белгилаш

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

## 3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 12-модда. 2024 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

тамаки, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари), шунингдек мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи бўйича тушумлар, тегишинча ўтган молия йилининг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигидан олинган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ. Бунда даромадлар бўйича прогнознинг бажарилмаган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади, даромадлар бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми эса республика бюджети ихтиёрида қолади.

Солиқлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушган тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 55 фоизи, Тошкент вилоятида 38 фоизи, Тошкент шаҳрида 11 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 61 фоизи, Тошкент вилоятида 39 фоизи, Тошкент шаҳрида 11 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда тақсимланадиган қуйидаги даромадлар республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

давлат божлари;

жарималар;

йиғимлар;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушумлар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан тушумлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффициентларни жорий этишга ҳақли.

Агар қонунчиликда даромадларнинг бюджет даражалари бўйича тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари республика бюджетига ўтказилади;

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушумларнинг суммаларини қайтариш уларни қайтариш санасида амалда бўлган ажратмалар нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан амалга оширилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар учун дивидендлар тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

### 13-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Чораклар якунлари бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш бўйича чоралар кўриш билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан сўров билан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тегишли чоракдаги маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган бюджет даромадлари турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилади ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбалари ёки республика бюджети ҳисобидан қопланади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шундай тартибда мурожаат қилади.

Қуйидагилар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади:

Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш ишларига доир харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари.

Қуйидагилар республика бюджетидан молиялаштирилади:

кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамларни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари) сақлаш харажатлари;

Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари.

Ҳудудлардаги барча иссиқлик билан таъминловчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органларнинг ҳудудий бўлинмалари хулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

### 14-модда. «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

«2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### 16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 декабрь
№ ЎРҚ—886

*"2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1–11-иловалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинади.*

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Тарих фанлари бўйича

**Зиё Азамат Хамид ўғли** — Фанлар академияси Тарих институти директори

### Иқтисодиёт фанлари бўйича

**Тухлиев Нурислам** — Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори

### Филология фанлари бўйича

**Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори

### Педагогика фанлари бўйича

**Ибраимов Холбой** — Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори

### Тиббиёт фанлари бўйича

**Мусабаев Эркин Исакович** — Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти директори

### Психология фанлари бўйича

**Шаумаров Гайрат Бахрамович** — "Профи университети" нодавлат таълим ташкилоти ректори

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Йўлдошев Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзоларининг асосий фаолият йўналишлари доирасида 2024 йилга мўлжалланган "йўл хариталари"ни тасдиқласин, ижросини назоратга олсин ва режалаштирилган барча тадбирларни тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

"Йўл хариталари"да Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзолари томонидан, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилсин:

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият;

илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш;

жойларда илмий мактабларни ривожлантириш;

ўз фаолиятига тегишли ҳудудий ва тармоқ муаммоларининг илмий асосланган ечимларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

таълим жараёнида иштирок этиш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш;

халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро миқёсда Ўзбекистон илм-фани нуфузини юксалтириш;

илм-фан тараққиётини таъминлаш ва инновацион жараёнларни жадаллаштириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, замонавий илм-фан ютуқларини жойларда кенг тарғиб қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Йўлдошев Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзоларининг 2024 йилга мўлжалланган "йўл хариталари" ижроси мониторингини юритсин ҳамда йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 22 декабрь

Ўзбекистон — МДҲ:

# ДУНЁ ТИНЧЛИГИ ВА ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК

1 Жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳрида МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Учрашув якунида иштирокчи давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш қаратилган 9 та қарор қабул қилинди.

8 июнь куни Сочи шаҳрида (Россия) ўтказилган МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилишида Ўзбекистон томонининг таклифи билан МДҲ саноат кооперациясини ривожлантириш концепцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда Ҳамдўстликнинг саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2023 йил 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон ташаббуси билан 2024 йилда Самарқанд шаҳри "Ҳамдўстлик Маданият пойтахти", Тошкент шаҳрига эса "Ҳамдўстлик Ёшлар пойтахти" мақоми берилди.

Умуман олганда, МДҲ фаолиятида ўзаро манфаатли асосда иштирок этиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимиз етакчисининг Санкт-Петербург шаҳрига амалий ташрифи ва МДҲ Давлат раҳбарларининг норасмий саммитида иштироки, шубҳасиз, Ўзбекистон билан МДҲ мамлакатлари ўртасидаги янада яқин ва серқирра ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

# «РАҲБАР ВА ЁШЛАР» МАВЗУИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

1 Навқирон авлод бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган мутлақо янги тизим — "ёшлар дафтари" жорий қилинди. Шу йилнинг ўзида 282 минг ёшга 416 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Республика бўйича ёшларнинг 124 минги касб-ҳунарларга, 133,8 минги эса тадбиркорликка йўналтирилди.

Тадбиркорликни кредитлашнинг янги тизими йўлга қўйилиб, бугунга қадар 253 минг 789 нафар йигит-қизга 6,2 трлн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ушбу амалий ишлар натижасида охирги олти йилда мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар 8 баробар кўпайиб, уларнинг сони 750 мингдан ошди.

Ёшларимиз ҳам яратилган мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиб, жамиятда ўзини тўла намоён этмоқда. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли, фидойи йигит-қизларнинг 758 нафари турли давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилганлиги эртамиз эгаларининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва саводхонлиги, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунчилик жараёнларига навқирон авлод вакилларини жалб қилиш борасида муҳим аҳамият касб этаётганига тўхталиб ўтилди.

Сенат Раиси мулоқот давомида ёшларнинг айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиши лозимлигига тўхталди.

Маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилаётган қонунлар бўйича навқирон авлод вакиллари ўртасида жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, йигит-қизларнинг муҳим масалалар юзасидан фикрлари, ғоялари ва таклифларини Ёшлар парламентлари вакиллари орқали Сенатга ва унинг қўмиталарига етказиб бориш, ёшлар сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, хорижлик тенгдошлари билан алоқа ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, парламентда, маҳаллий Кенгашларда ёш депутатлар салмоғини мос равишда ошириб бориш шулар жумласидандир.

Мулоқот давомида турли соҳа вакиллари бўлган ташаббускор, фаол ва иқтидорли йигит-қизлар сўзга чиқиб, юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича олиб борилаётган самарали ишлар ҳамда унинг эртамиз ворислари ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр билдирди. Айни чоғда Сенат билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш ҳамда доимий алоқада бўлиш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди.

Ўз навбатида, ёшлар бу каби учрашувлар анъанавий тарзда мунтазам ташкил этилишидан манфаатдор эканлигини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ҒОЛИБ ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

*Куни кеча "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида "Йил аёли" ҳамда "Гендер тенглик фаоли" миллий танловларининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

*Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очди.*

## Танлов

Маълумот ўрнида айтиш лозим, "Йил аёли" ва "Гендер тенглик фаоли" миллий танловлари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига асосан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча жабҳада хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва бошқа ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, умуман олганда, опа-сингилларимизнинг чинакам бахтли яшаши, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий, оилавий ва жамият ҳаётидаги мажбуриятларини ҳамоҳанг тарзда бажариши йўлида кенг қамровли давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш, ушбу масалага комплекс ёндашиш бўйича турли механизмлар жорий этилмоқда. Бунда 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидланганидек, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўналишида улкан ўзгаришлар юз берди. Жумладан, шаҳар ва туман ҳокими, вазир, элчи каби масъулиятли лавозимларга аёллар тайинланди. Уларнинг бошқарув соҳаларидаги улуши 33 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоиз, сиёсий партияларда 44 фоиз, олий таълимда 47 фоизга етди.

Аёлларнинг соҳалардаги улуши ҳам ортди. Улар тиббиёт тизимида 77 фоиздан кўпроқни, таълим соҳасида салкам — 74, савдода — 49, иқтисодиёт тармоқлари, саноат ва ишлаб чиқаришда — қарийб 46, маданият ва спортда — 45, қишлоқ хўжалигида — 42 ҳамда молия ва суғурта фаолиятида 37 фоиздан ортиқни, ахборот ва алоқа хизматида — 35, профессионал, илмий ва техник фаолиятда қарийб — 34, давлат бошқаруви ва мудофаа тизимида 27 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини гендер ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Давлатимизнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги сиёсати дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган давлатлар қаторига киритилди.

Айтиш мумкинки, бу танловлар ҳам юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижаларидан ҳисобланади.

Танлов низомига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган 35 ёшдан юқори ҳамда ўз йўналиши бўйича фаолият билан камида 5 йил мобайнида узлуксиз шуғулланиб келаётган аёллар, шунингдек, уй бекалари кўрик иштирокчилари ҳисобланади.

Танловнинг туман босқичларида жами 3 минг 202 нафар хотин-қиз учта шарт асосида қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 1 минг 356 нафар опа-синглимиз ўз иқтидорларини намоён этишди. Республика босқичига эса 11 та номинация бўйича 144 та ҳужжат тақдим қилинди.

Танловнинг барча босқичи Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги "Йил аёли" ва "Гендер тенглик фаоли" миллий танловларини ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ ўтказилди.

"Йил аёли" танловининг республика босқичида белгиланган учта шарт асосида иштирокчиларнинг тўплаган балларига қараб, олий ўрин, 1, 2 ва 3-ўринлар ҳамда номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Хусусан, танловнинг республика босқичида олий ўрин — Гран-при ҳамда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан Президент совғаси — автомобиль билан, қолган ғолиблар эса диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди.

"Гендер тенглик фаоли" миллий танлови туман (шаҳар) босқичларида жами 1073 та идора, ташкилот ва муассасалар белгиланган номинациялар доирасида иштирок этди.

Республика босқичида 7 та номинация бўйича ғолиблар тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

*Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.*

## Китоб жавонингизга




"Қишлоқ хўжалигига оид атамаларнинг изоҳли луғати" китоб ҳолида нашр этилиши ушбу мақсадли вазифа ижросини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлардан биридир. Мазкур қўлланма соҳанинг кўп минг сонли ходимлари учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз гувоҳ бўлаётганимиздек, юртимизда очиқлик сиёсати туфайли ўзаро манфаатли халқаро алоқалар кучайиб, қишлоқ хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқлари ва инновациялар, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ва замонавий технологиялари жорий этилмоқда. Айни жараёнда аграр тармоққа оид терминлар, халқаро атамалар луғат бойлигимизни кенгайтиряпти. Шу билан бирга, ушбу янги сўзларнинг мазмунини англаш ва улардан тўғри фойдаланиш масаласини ҳам долзарблаштиряпти. Янги луғат шу борада соҳа вакиллари, тадқиқотчиларга яқин кўмакдош бўла олади.

Вазирлик тизимидаги Тошкент давлат аграр университетининг бир гуруҳ жонкуяр профессор-ўқитувчиларининг беминнат меҳнати билан шу пайтгача турли манбалар, илмий адабиёт ва мақолаларда, ўқув дарсликлари ва қўлланмаларда қайд этилган 6400 га яқин соҳавий атамалар изоҳлари илк бор яхлит ҳолда тўплам шаклида чоп қилинди. Уларни тўплашда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", "Ўзбек тилининг изоҳли луғати", "Ёш деҳқон энциклопедик луғати" ва бошқа илмий, илмий-оммабоп манбалардан фойдаланилди.

Мазкур тўпламда ҳозирги пайтда мулоқот доирасида қўлланиб келинаётган соҳавий терминлар билан бир қаторда муомала жараёнида тобора кам ишлатилиб, унутилиб бораётган атамаларнинг изоҳлари ёритилишига ҳам эътибор берилган.

Ҳолбуки, қадимда Турон деб аталмиш жаннатмонанд заминимизда суғорма деҳқончилик маданияти кўҳна тарихда Миср билан баробар, дунё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб жорий этилгани юртимиз тамаддун бешикларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Аждодларимиз бой илмий-амалий мероси давлатимиз янги тарихида чўл ҳудудлари ва дашт ерларни ўзлаштиришда муҳим омил бўлди. Мирзачўл, Қарши ва Сурхон чўллари, Жиззах ва Фарғона водийси даштларида миллионлаб гектар ерлар ўзлаштирилиши, суғориш тармоқлари ва сув иншоотлари барпо этилиши, юксак механизациялашга асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этилиши нафақат собиқ иттифоқ, балки дунёдаги кўплаб давлатлар учун юртимизни ҳақиқий тажриба мактабига айлантирди.

Соҳадаги узоқ ва яқин ўтмишдаги тадрижий жараёнлар янгидан-янги билимлар билан биргаликда терминологик базанинг бойиши ҳамда кенгайишида муҳим омил бўлди. Давлатимиз мустақиллиги йилларида соҳада амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, янгича иқтисодий муносабатлар жорий қилиниши соҳавий атамалар кўламини кенгайтирди.

Аграр тармоқни замонавий илмга асосланган ҳолда ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳам фан, инновациялар ва технологиялардаги янги йўналишларга мос ҳолда соҳага янгидан-янги атамалар кириб келмоқда. Уларнинг этимологияси, ўзбек тилида аниқ ва лўнда ҳолдаги таржимаси, мазмуни илмий-амалий жиҳатдан бир хилда баён этилиши билан боғлиқ жиҳатларга луғатни тайёрлашда алоҳида эътибор қаратилди.

"Қишлоқ хўжалигига оид атамаларнинг изоҳли луғати" аграр соҳанинг илмий ва педагог ходимлари, тадқиқотчилари ва талабалари, мутахассислари, фермерлар ва тадбиркорлар учун оммабоп қўлланмалардан бири бўлиб қолишига умид қиламиз.

**Эшмирза АБДУАЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тилини жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

# МАСЪУЛЛИК, ФАОЛЛИК ВА МУҲИМ ЁНДАШУВ

1 Қизғин савол-жавоблар давомида фракция аъзолари Зафар Худойбердиев ва Адҳам Назирқулов қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, лойиҳанинг аҳамияти ва заруратига эътибор қаратар экан, ушбу ҳужжат аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларни қайтариш қобилиятини яхшилашга қаратилганини таъкидлашди.

Ўз навбатида, қонун лойиҳасига киритилаётган айрим нормалар бўйича асосли саволлар берилди. Қонун ташаббускорлари уларга батафсил жавоблар қайтарди. Уларнинг фикрича, лойиҳанинг қабул қилиниши кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш орқали қарз олувчилар учун қулай молиявий имкониятлар яратиш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга асос бўлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг $12^1$-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур ҳужжат билан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунга интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини интернет жаҳон ахборот тармоғида ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг айтишича, ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ва инновациявий жиҳатдан юксалишига кўмаклашувчи интеллектуал мулк тизимининг, шунингдек, рақамли муҳитда ижодий фаолиятга бўлган ҳуқуқларни ҳимоялашнинг таъсирчан механизмларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини яратади.

## Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида сўнгги йилларда маънавий-маърифий соҳаларда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров қайд этганидек, давлатимиз раҳбари нутқида "Миллий тикланиш" демократик партияси илгари суриши мумкин бўлган концептуал ғоялар тўлалигича акс этган. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган бир пайтда миллат фидойилари бўлган зиёлиларнинг жасорат билан майдонга чиқиши ҳақидаги фикри бугунги шиддатли ўзгаришлар, миллий қадриятлар ва қадриятсизлик юзлашаётган нозик чорраҳаларда юзага келаётган тўқнашувлар даврида уйғоқ қалбли зиёлиларимиз зиммасидаги масъулиятни яна бир бор эслатгандек бўлди.

Президентимиз жадидлар ҳақида тўхталиб, замонавий илм-фанни эгаллаган ва айни пайтда миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрларни сув ва ҳавога қиёслади-ки, бу яқин истиқболдаги режаларимизни қайта-қайта тафтиш қилиш лозимлигини англатади.

Йиғилишда фракция аъзолари давлат раҳбари нутқига ўз муносабатини билдирди ва бу борада қилинадиган вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг "Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш доирасида камбағалликни қисқартириш, шунингдек, кам таъминланган оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар уддаланмоқда. Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари ва преференциялар, хусусан, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ва пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали тадбиркорлик субъектларини камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама этиш давомида уни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан асосли саволлар кўтарилди. Қонун ташаббускорлари берилган ҳар бир саволга асосли тушунтиришлар бериб ўтди.

Уларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, шунингдек, Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амалда қўлланишига ва аҳоли бандлигининг ўсишига, камбағалликни қисқартиришга йўл очади.

## Айрим талаблар бекор қилинмоқда

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Фармацевтика соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Унга асосан "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Яъни, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатидан рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилига камида бир марта тасдиқлаш нормаси ва унга алоқадор бўлган бандлар чиқарилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаси билан рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланишини назарда тутувчи ортиқча бюрократик норма чиқариб ташланмоқда.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари республикамизда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси ҳолати, дори воситалари ва тиббий буюмлар нархларининг кескин кўтарилиши сабаблари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Депутатлар партия ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор таклифларни ўртага ташлашди. Ўз навбатида, кўплаб саволлар берилди ва уларга қонун ташаббускорлари томонидан атрофлича жавоб олинди.

Қизғин савол-жавоблар давомида бугунги кунда республикамизда рецептсиз дорилар сотилаётгани, бу бўйича ОАВда ҳам рекламалар берилаётганига оид саволлар ўртага ташланди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган саволлар юзасидан асосли тушунтиришлар бериб, таклиф этилаётган янгиликлар соҳадаги айрим такрорланувчи ва бюрократик талабларни бекор қилиш орқали аҳолининг сифатли, хавфсиз, самарадор ва арзон дори воситалари билан таъминланиш даражасининг ошишига хизмат қилишини қайд этди.

## Солиқ тўлашда имтиёзлар берилмоқда

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари "Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси партия электорати манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, Солиқ кодексининг 482 ва 483-моддаларига қўшимчалар киритиш белгиланмоқда. Яъни лойиҳа билан "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига улар яратган янги иш ўринларига қараб, солиқда имтиёз ва преференциялар тақдим этиш кўзда тутилмоқда. Хусусан, айланмадан олинадиган солиқларни яратилган янги иш ўринлари сонига қараб, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда.

Шунингдек, 2025 йил 1 январгача "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлаши белгиланяпти.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокамадан ўтказар экан, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, шунингдек, Солиқ кодекси нормалари тўғридан-тўғри ишлаши аҳоли бандлиги ўсишига хизмат қилишини эътироф этдилар. Янги нормаларнинг амалиётда ишлаши республикада камбағалликни қисқартириш йўлида қилинаётган ишларни рағбатлантиришга асос бўлиши қайд этилди. Депутатлар айрим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашгач, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

## Қайта тикланувчи энергия манбалари кенг жорий этилади

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳада бажарилаётган ишларни янада жадаллаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатларига "яшил энергия" сертификатларини бериш ва муомалага киритишга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шу билан бирга, "яшил энергия" сертификатлари савдосидан тушган даромадларга доир солиқ имтиёзларини белгилаш назарда тутиляпти.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллигини бартараф қилиш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини белгилаш имконини беришини урғулашди.

Қизғин мунозараларда қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга оид бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

*Фракциялар йиғилишларида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти жамоаси институтнинг Кино ва телевидение бўлими мудири, санъатшунослик фанлари доктори Нигора Каримовага волидаси
**Дамира РАСУЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми —3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 08.00 1 2 3 4 5 6